



АРПА ҲАҚИДА

ОХАНГАРОН. (ЎЗТАГ). Тошкент областидаги энг йirik ғаллар районларидан бири бўлган Охангарон районининг деҳқонлари кузги арпа ўримида киришди. «Ғаллақудук», «Таш-козавод», «Ангрен» совхозлари ва бошқа хўжаликларнинг дастлабки ўрими-нинг агрегатлари далага

чиқарилиди. Комбайнчилар лавинкор еринлар ҳар гекта-ридан 8—10 центнер дон янчиб олмақдалар. Охангаронлик механизаторлар ғалларни қисқа муд-датларда — 19 минг гектар майдоннинг ҳаммасида-ги экинни 10—12 иш куни-да ўриб-йигиб олишни мўл-жалламоқдалар.

Шухрат Зияев бошчи-лик қилаётган комсомол-лар бригадаси пайкалла-рида ғўзалар бир текис шонали бошладилар. Бу бри-гада пахтакорлари Янгийўл районидagi «Ленин» колхозининг пешқадам кол-лективларидан ҳисоблана-ди. Айни кунларда колхоз-чилар ғўза қатор оралирига учинчи комплекс ишлов бе-

ҒЎЗА ШОНАЛАДИ

ришни уюшқонлик билан бошлаб юбордилар. Яганаи сифатли ўт-казиб, тўлиқ гектарлар ҳо-сил қилиб олди, — дейди бригада сардори Ш. Зия-ев. — Бригадани аъзола-ри юбилей йилида мавжуд

60 гектар ерининг ҳар гек-таридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга бeд боғлашди. Ҳа, комсомол-чиларнинг шайти баланд. Улар зим-мала олинган социалистик мажбуриятни шараф билан

бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ғўза парваришида Рукия Ибро-мова, Зухра Миртожиева, Раъно Миробоева, Отаҳон Холдоров ва бошқалар гай-рат кўрсатишмоқда. Еш-ларнинг фидокорона меҳ-натидан тўғайи ғўза ҳоллари кундан-кунга ри-вожланиб, кўкка бўй чўз-моқда.

М. ФОЗИЛОВ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЛКИ КУЧЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ХАЛҚ ИШОНЧИ—ЮКСАК ШАРАФ

СОВЕТ депутати бўлиш — фахрли иш, лекин шу билан бирга гоҳат масъулиятли, мураккаб ишдир. Бизда депутат ўз сайлов округидаги меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳокимият органларида ифода этади, шунингдек жойларда умум-давлт манфаатларининг намоянда-си бўлиб, бутун совет халқининг манфаатларини кўзлаб, партия сие-сатини изчил амалга ошириш тўғри-сида ғамхўрлик қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош сек-ретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг сайлов-чилар олдида сўзлаган ёрқин нутқида меҳнаткашлар депутатлари Советларнинг мамлакат ҳаётидаги катта фаолияти ва ролига, халқ вакиллари — депутатларнинг шарафли ишлари ҳамда омма ўртасида олиб бораётган хилма-хил юшқини фао-лиятларига шундай юксак баҳо берган.

Бутун мамлакатимизда, шу жумладан областимизда маҳаллий Советларга сай-ловларга қизгин таъйирилик кўрилмоқда. Бўлиб ўтган сайловолди йилгишларида халқимиз ўзининг энг яхши фарзандларини — меҳнатда, ижода, яратувчилик иш-лари ва давлат аппаратини бошқаришда намуна кўрсатган ўғил ва қизларини де-путатликка номзод қилиб кўрсатди. Мама-лакатимизнинг ҳамма бурчаларида сай-ловлар муносабати билан сийёс ва меҳ-нат активлиги гоҳат кўчяйиб кетди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси янги-янги та-шаббуслар, ватанпарварлик ҳаракатлари ҳамда ижодий юшқинликлари вужудга келтирилмоқда. Саноат корхоналари, қиш-лок хўжалиги меҳнаткашлари сайловлар-ни, шонли юбилейни барча соҳаларда юк-сак кўрсаткичларга ва зафарларга эри-шиш билан нишонлаш иштиёқида ғайрат, шижоат билан мардонавор меҳнат қи-лмоқдалар.

Маҳаллий Советларга сайловлар совет давлат тузумининг, олиб социалистик де-мократиямизнинг, тўб маъноси билан халқ мамлакатларини ифода этувчи сайлов сис-темаимизнинг янги, ёрқин намоёниши бўла-ди. Сайловларда барча миллатлар элат-лар ва турли касб эгалари, эркаклар ва хотин-қизларнинг актив иштироки этиши, уларнинг ўз давлат ҳокимиятини сайлаб қўйиши — Советлар давлати ва мамлака-тида ҳокимият халқнинг экинлигини кўр-сатуви ҳамда бошқариш ишларида халқи-мизнинг актив иштироки этишини ёрқин ифода қилувчи факторлардан биридир.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларга депутатлар номзоди кўрса-тилди. Номзодлар орасида ишчилар син-фи, колхозчи деҳқонлар, интеллигенция-нинг турли касб эгалари бор. Улар ўзла-рининг зарбдор меҳнатлари, юксак ватан-парварлик фазилатлари, партия, халқ мамлафати йўлидаги сидқидилликлар, жа-моат ўртасида олиб бораётган катта иш-лари билан, маънавий-сийёс покликлари, план ва тошйириклари ошми билан ба-жариб, меҳнатда намуна кўрсатаётганли-клари ҳамда катта таъшилотчилик ишлари билан танилган, халқ ўртасида катта обрў ва эътиборга сазовор бўлган кишилар-дирлар. Олмалиқ шаҳридаги мебель фаб-рикасининг оператори Вера Зубевова, В. И. Ленин номи ком-металлургия ком-бинати Қалмоққир қонининг бургиловчиси Холмат Холбоев, Ангрен шаҳридаги «Средазгудо» ишлаб чиқариш бириш-маси кул ортқиш-транспорт бошқармаси-нинг слесари Антонина Торгашева, Анг-

рен ГРЭСи катта аппаратчиси Хатима Анорбоева, Охангарон шаҳридаги 8-те-мир-бетон буюмлари заводининг кранчи-си Инна Михайлова, Бекобод шаҳридаги босмаҳонанинг мўкаваловчиси Қумри Ок-бутаева, Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон қийни эрийдиган ва ўтга чидамли метал-лар комбинатининг бош инженерини Нико-лай Сергеев, Янгйўл шаҳридаги қури-лиш-монтаж бошқармасининг бўёқчи-су-вокчиси Ольга Руц, Янгйўл шаҳридаги мебель фабрикасининг бўёқчиси Парша Жиякулова, Оққўрғон районидagi «Ле-нин» колхозининг аъзоси Жамалия Эгамқулова, Охангарон районидagi «Ға-ллақудук» совхозининг сўт соғувчиси Каро-мат Тилимбекова, Бекобод районидagi «КПСС XXV съезди» совхоз 3-бўлими-нинг ишчиси Халима Эрматова, Бўстон-лик районидagi «Қизилту» колхозининг шофери Абилхасим Танабоов, Бўна рай-онидagi «Ленин қўли» колхозининг аъзоси Ойкиса Юсупова, Урта Чирчиқ районидagi Тўйтепа металл конструкциялари за-водининг токари Леонид Югай, Тошкент районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йилги» колхозининг раиси Тўғрул Мирзаев каби депутатликка номзодлари кўрсатилган турли касб эгалари ва турли миллат вакиллари юксак ном, ишонч, ҳурмат ва иззатга ҳалол меҳнатлари, халқ ва Ватан мамлафатлари йўлида олиб бораётган иш-лари билан сазовор бўлдилар.

Совет мамиятининг ҳар тарафлама чу-қур демократик фазилатларини кўрсату-вчи намуналардан яна бири шундан ибо-ратки, сайловларда коммунистлар билан партиясизлар бир мақсад, бир истак ва бир блокда иштирок этидилар. Эркаклар билан хотин-қизлар тенг ҳуқуқлидирлар. Бўлиб ўтган сайловолди йилгишларида халқ номзодлари ўз сайловлари билан урқидилар. Уларга яхши истаклар изҳор қилинди. Шу билан бирга нақзарла-ри-риди. Ҳар бир сайловчининг сўзидан пар-тия, ҳукумат тошйириклари бажариш, халқимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган, умумий ишмизнинг, Совет-лар фаолиятининг янада ривож топқиши тақозо этувчи қимматли тақлиф ва муло-ҳазалар баён қилинмоқда. Маҳаллий Со-ветлар сайловчиларини тақлиф ва муло-ҳазаларини чуқур ўрганишлари, уларни умумлаштириб, бундан сўнгги ишларимиз учун амалий тадбирлар белгилаб олишлар-и ва уларни ҳаётга табиқ этишлари кер-рак.

Маҳаллий Советларга сайловлар кампа-ниясига яна бир муҳим давр бошланди. Халқ вакиллари — депутатликка номзод-лари кўрсатилган кишилар учун агитация ишлари олиб боришмоқда. Партия ташки-лотлари оммавий-сийёс агитация-пропа-ганданинг бутун воситаларини ишга солиб, номзодларнинг сийёс-маънавий фазилат-ларини, меҳнатда, жамоат ишларида ак-тив иштирокчи, партия ва халқ тошйи-риклари бажаришдаги жонобозлигини ҳар бир сайловчига тўла етказишлари кер-рак. Бу тадбирлар совет демократия-сини, социалистик тузумимизнинг буржуа-зия демократияси ва тузумидан усту-нлиги, ҳаётини ва ғойибиллигини ёрқин мисолларда кўрсатувчи, совет кишилари-нинг партия XXV съезди қарорларини амалга ошириб бориб, мамлакат халқ хў-жалиги ва экономикасини юксалтириш йў-лида қилаётган қаҳрамонона меҳнат-ларининг ҳаққоний ифодаси бўлмоғи кер-рак.

19 июнда бўладиган маҳаллий Советлар сайловига пухта ҳозирлик қилинсин. Бу сайловлар партия ва халқимизнинг ҳаёти-мизнинг барча соҳаларида қудратли ва ғойибона бирлигининг ёрқин намоёниши бўлсин.

42 ЦЕНТНЕРЛИК ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИНГ

БРИГАДА далаларида ғўзаларни озидантириш, сугориш, култивация қи-лиш ва бетон ўтдан тоза-лаш ишлари бир-бирига боғлаб, сифатли олиб бо-рилади. Шунинг учун ҳам экинлар авжи яхши. Қўй Чирчиқ районидagi Димит-ров номи колхозининг Ан-тон Ан етакчилиги қилаёт-ган бригада пахтакорлари 98 гектар пахта майдонида 42 центнердан ҳосил етиш-тиришга аҳд қилишган. Пахтакорлик касбини уду-лаб келаётган бригада аъзо-лари ғўза парваришида аг-ротехника қондаларига ғўла риш қилаётганлар. Техника пахтакорларга қанот бўл-моқда. Механизаторлардан Нурмуҳаммад Азимов, Тур-ди Ҳайдаров, Алексей Син-лар ҳар кўни етти-саккиз гектар майдондаги ниҳол-ларни озидантириб, қатор оралирига ишлов бермоқда-лар.

Бу йил сувчилар учун анча масъулиятли бўлди. Бўйи яхши ҳис қилган сув-чилардан Саломжон Султо-нов, Анатолий Ким, Ен Мунар ҳар қатра сувдан тозаб-тергаб фойдаланиб, кундалик нормани бир ярим-икки баравардан ба-жаришмоқда.

Бригада аъзолари асосий эътиборни ғўзаларни бир текис машинабон қилиб ў-тиришга қаратмоқдалар. Чўқини бу йил етиштири-лаб ҳосилини қариб 93 процентини «зантори кема» бункерларидан тўқинш мўлжалланмоқда. Пахта-корлар белгиланган марра-ни ағалаш мақсадида ҳар гектар майдонда 125—130 минг тупдан соғлом кўчат сақлаб қолдилар.

Т. ЮСУПОВ, М. МУҲАМЕДОВ.

БўНА районидagi Ҳамза номи колхоз билан Оққўр-ғон районидagi «Ленин-обод» колхозининг пахта-корлари бир неча йилдан бери мусобақалашиб, ю-қори ҳосил олиш учун кура-шиб келмоқдалар. Юбилей йилида ҳам улар янги мар-раларни ағалашга астой-дил бел боғлашган.

Ҳамза номи колхоз рай-онидagi йиринк пахтакор хў-жаликлардан бири. Бу колхознинг аъзолари Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллиги шарафига ҳосилдорлигини 38 центнер-га етказиб, 6880 тонналик «оқ олтин» хирмони кў-тариш юзасидан социалис-тик мажбурият олганлар. Улар шу эзуни ният билан астойдил меҳнат қилмоқда-лар.

Йилида Оққўрғондagi му-собақадон «Ленин» колхозининг пахтакорлари бу ерда бўлиб пахтазорлар-ни кўздан кечирдилар. Ҳо-зир даладарда иш қизган. 1810 гектарлик майдонда-ги ғўза яганадан чиққан. Ҳар-гектар ерда ўрта ҳи-собида 130—140 минг туп кўчат сақлаб қилинган. Ай-рим бригадаларда кўчат бундан ҳам кўп. Эллик центнерчи Шарифжон Ва-лижонов бошлиқ Бригада аъзолари қўшқатор қилиб чўқини 75 гектар майдоннинг ҳар гектарига 220 минг тупдан кўчат са-лаб қилишган. Асосий май-дондаги ғўзалар ёввойи ўт-лардан тозаланган. Ниҳол-ларининг ривожини яхши, кўп ердаги ғўзалар шоналади.

Бу колхозда аjoyиб та-шаббуслар, юқори ҳосил учун курашга пешқадам бў-либ келаётган бригадалар оз эмас. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳме-дова бошлиқ бригада аъзо-лари 90 гектарлик пахта майдонини яшатиб қўйиш-ган. Дала шайионига яқин бир қартага усталик билан об-хўш таралганини кў-риб ҳавас қилади киши. Сув тошган, сувда эзилган ер-ни кўришмайди. Қаргилар бегона ўтдан тозаланган. Бу бригада аъзолари Октябрь революциясининг 60 йил-лик юбилей йилида 60 центнерлик маррани ағла-лаш учун ҳалол ва фидоко-

рона меҳнат қилмоқдалар. Утган йили 48,7 центнер-дан ҳосил олган Шарифжон Валижонов бошлиқ бригада аъзолари бу йил 50 цент-нерлик маррани ағалаш учун жаам қилганлар.

— Сиз колхозда ким би-лан мусобақадонсиз, — сў-ради «Ленин» колхоз-ининг раиси Карим Эгамбер-диев.

— Мен, — дейди Ша-рифжон Валижонов, — Сао-дат Гулаҳмедова билан кўп-дан бери мусобақадонман. Илгари биз кўп билан ким кўп пахта теришда мусоба-қадон эдик. У кўп билан мен 27,5 тонна пахта терган эдим. Кейин машина билан кўп пахта теришда мусоба-қалашдик. Мен «ХВС-48» маркали машинада 120 тон-на пахта тердим. Саодат Гулаҳмедова 180 тонна те-риб ғойиб чиқди. Энди гек-таридан кўп ҳосил етишти-риб буйига мусобақалашиб келаямиш. Бултур бизнинг бригадимида 48,7 центнер-дан ҳосил олинди. Гулаҳме-дова бошлиқ бригадада ҳам шундай ҳосил олинди. Бул-тур жинзаҳлик пахтакорлар бригадасига келишган эди.

Уч гектарлик ердаги пахта-мизнинг ҳосилини чамалаб эллик центнердан ошми ҳо-сил олсан, шунинг аҳолида териб тошйириш дейди. Ҳақиқатдан шу ерда 52 центнердан ҳосил олдик. Мусобақа дошлари мизнинг самимий масъулатлари бизга катта ердан берадилар. Бригадани аъзолари улар билан баробар қадам таи-лаш, ўз сўзларининг усти-дан чиқини учун тимай ҳа-ракат қилишяпти.

Мусобақадонлар айниқ-са сувдан, маҳаллий ўғит-дан тўғри фойдаланишга алоҳида эътибор бердилар. Шу соҳадagi ишлар билан танишдилар. Чингит суви бе-ришда 360 киши иштирок қилган. Ҳозир 180 киши ғў-за суви тараш билан банд. Қўнига эллик гектарча ерга суви таралди. Ҳозиргача 1500 гектардан кўпроқ ерга суви таралган. Мусобақадон-лар айниқса С. Анваров, А. Ҳамдамов, У. Иброхи-мов, С. Жаббаров, А. Сан-гинов сингари сувчилар на-мунали ишлаётганларини

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» 6-трестига қарашли 70-ку-рилий бошқармасининг Ни-колай Мин бошчилигидаги комплекс коммунистик меҳ-нат бригадаси шу кунларда зарбдор меҳнати билан ўр-нак кўрсатмоқда. Бригада бунёккорлари Қорақамш массивида 280 ўрнили икки қаватли болалар богчасини барпо қилмоқдалар.

Бригадада Злобин методи муваффақият билан қўллани-моқда. Яқинда барча бино-корлар илгор таъриба мак-табда ана шу методи ўр-набни чиддилар. Эндиликда коллектив кунлик нормани 40—50 процентга ошириб бажармоқда, кўпгина кури-лиш материаллари тежаб қолимоқда.

Бригада аъзолари Улуғ Октябрь юбилей шарафига ўз зиммаларига мажбурият қабул қилдилар. Улар бола-лар богчасини муддатидан икки ой илгари фойдала-нишга тошйиришмоқдалар. Ҳа-демай болалар масканда кичиктотларнинг қуввоқ овозлари янграйди.

А. Абалаев фотоси.

ЗАВОДНИНГ МЙНГИНЧИ ПОДСТАНЦИЯСИ

Чирчиқ трансформатор за-води коллективи 2500 кило-вольт-ампер қувватли ком-плекс подстанцияни корхона-нинг 1000-рақами билан чи-қарди. Бундай подстанцияни корхона мамлакатда биринчи марта узаштирди. Шу ку-риямалар катта саноат кор-хоналарида электр энергия-сини қабул қилиш, уни ўз-гартириш ва тақсимлашда фойдаланилади. Чирчиқ таъйирланган подстанция-р яқин қуввати катта бўла-лиги учун ишлаб чиқариш майдонларини арзон электр энергия билан тез ва қўлаб таъминлаш мумкин. Стан-циянинг бутунтифтоқ транс-форматорсозлик илмий тад-қиқот институтини мутахассис-лар завод коллективини тад-қиқот институтини мутахассис-лар ҳамкорлигида ишлаб чиқ-қан қўлай конструкцияси подстанцияни монтаж қилиш муддатини гоҳат қисқартиб, уни тез ишга тушириш им-конини берди.

Бу комплекс подстанция-лар СССР халқ хўжалиги ютуқлари выстависининг олий мукофоти — олтин ме-далига сазовор бўлди. Чир-чиқ меҳнатчилари шу усту-налари ҳозир Қама ва Волжск автозаводлари, Норильск кон-металлургии комбинатига жўнатмоқдалар. Иил охиригача буюртмачи-ларга ана шундай қурилма-лардан юзга яқин юборила-ди.

(ЎЗТАГ мухбири).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА ШУ ЙИЛ 1 ИЮНГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

(Тошйириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устуи — бир кўнлик ўсиш, иккинчи устуи — мавсум бошидан бўён.	
Калинин	0,6 55,6
Бўна	— 53,2
Оққўрғон	— 52,0
Қўй Чирчиқ	— 51,4
Тошкент	0,7 46,4
Охангарон	— 46,0
Пискент	0,2 45,9
Эрта Чирчиқ	— 39,3
Орқониниде	— 39,0
Бекобод	1,2 36,8
Янгйўл	— 36,5
Чиноз	— 35,9
Юқори	
Чирчиқ	0,1 26,8
Бўстонлик	— 21,7
Область бўйича:	0,2 42,1

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАРГА ЧИҚИШДИ

БКП Марказий Комитети-нинг биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг раиси Тодор Живков бошчилигида-ги Болгария Халқ Республи-каси партия-ҳукумат делега-цияси 1 июнь куни Москва-дан Олмаотага жўнаб кетди.

Минг-минглаб москваликлар қардош социалистик мамла-кат делегациясини кузатиб қолш учун Москванинг кў-чалари ва майдонларига чиқ-дилар. Улар Кремлдан аэро-дромга қараб йўл олган авто-машиналарга тушган Л. И. Брежнев ва Т. Живков ўртоқ-лари, Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси-нинг бошқа раббарларини шод-хушрамлик билан таби-рикладилар.

БХР ва СССР давлат бай-роқлари билан безатилган аэродромда қуролли кучлар уч турунинг жангчиларидан иборат фахрий қоровули саф-тортиб турди. Фахрий қоровул бошлиғи ўртоқ Т. Живковга ра-порт берди. БХР ва СССР-нинг давлат гимнлари ижро этилди.

Л. И. Брежнев ва Т. Живков ўртоқлар совет жангчилари сафи олдидаи ўтидилар. Тан-танали маросим фахрий қо-ровулининг юрши билан тугал-ланди.

КПСС Марказий Комитети-нинг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Ко-митети Сийёс бюросининг аъзоси, СССР Министрлаб Советининг Раиси А. Н. Коси-гин, КПСС Марказий Комите-ти Сийёс бюросининг аъзо-си, СССР Ташқи ишлар ми-нистри А. А. Громико, КПСС

Марказий Комитетининг сек-ретари К. В. Русков само-лаёт пиллапоис енида Т. Жи-вков, С. Тодоров ўртоқлар билан, партия-ҳукумат деле-гациясининг бошқа аъзолари билан самимий, қардошларча ҳайрлашдилар.

Аэродромда кузатиб қо-лувчилар орасида СССР Ми-нистрлар Совети раисининг ўринбосарлари Н. К. Байба-ков, В. А. Кириллин, СССР Олий Совети палаталарининг раислари А. П. Шитиков, В. П. Рубен, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгидзе, КПСС Ташқи ишлар Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, П. Ф. Ломаков, Г. С. Павлов, К. Н. Руднев, С. Л. Соколов, А. М. Тока-рев, Н. А. Шчелоков, КПСС

Марказий Комитети аъзоли-гига кандидатлар С. К. Ци-гун, Г. К. Цинев ва бошқа ре-сий кишилар бор эди.

Делегацияни пойтахт меҳнат-кашларининг вакиллари, Бол-гария Халқ Республикасининг СССРдаги элчихонаси дипломатик ходимлари, Мос-квада ишлаётган ва ўқибатан болгар граждeнлари кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

Б. ҲАЛИЛОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.
